

БИРИНЧИ ТУҒУВЧИ АЁЛЛАРДА ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ СЕПТИК АСОРАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АНТЕНАТАЛ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

Хамроева Л.К.

Сонокулова М.О.

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Аннотация. Туғруқдан кейинги септик асоратлар — биринчи туғувчи аёлларда она ва бола саломатлигига жиддий таҳдид солувчи мураккаб клиник ҳолатлардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, она ўлимларининг катта қисми айнан юқумли асоратлар, жумладан сепсис ҳисобига тўғри келади.

Ключевые слова: Биринчи туғувчи аёллар, туғруқ усули, антенатал профилактика, эндометрит, жарроҳлик инфекциялари

Долзарблиги. Туғруқдан кейинги септик асоратлар — биринчи туғувчи аёлларда она ва бола саломатлигига жиддий таҳдид солувчи мураккаб клиник ҳолатлардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, она ўлимларининг катта қисми айнан юқумли асоратлар, жумладан сепсис ҳисобига тўғри келади. Айниқса, биринчи марта туғувчи аёлларда хавф омилларининг кўплиги, туғруқ усулининг нотўғри танланиши, антибиотикларни кеч қўллаш ва антенатал кузатувларнинг етарли эмаслиги септик ҳолатлар ривожланишига олиб келмоқда.

Тадқиқот мақсади. Биринчи туғувчи аёлларда туғруқдан кейинги септик асоратларни камайтиришда антенатал профилактиканинг самарадорлигини баҳолаш, асосий хавф омилларини аниқлаш ҳамда самарали клиник ёндашувлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот Самарқанд шаҳридаги 2 та туғруқхонада 2022–2024 йиллар давомида амалга оширилди. Умумий 160 нафар биринчи туғувчи аёл иштирок этди: 80 нафарда туғруқдан кейинги септик асоратлар (эндометрит, жарроҳлик инфекциялари) кузатилган ва улар асосий гуруҳга киритилди, қолган 80 нафари назорат гуруҳини ташкил қилди. Барча иштирокчиларда тиббий тарих, антенатал кузатувлар сони, инфекцияга мойиллик, антибиотиклар қўлланилиши ва туғруқ усули таҳлил қилинди. Статистик таҳлилда χ^2 ва t-критерийлари, аҳамиятлилиқ мезони $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Тадқиқот натижалари. Антенатал кузатув сони 4 мартадан кам бўлган аёлларда септик асоратлар 57,5% ҳолатда ривожланган, 4 ва ундан ортиқ кузатув ўтказилганларда эса бу кўрсаткич 18,7%ни ташкил этди ($p < 0,01$). Антибиотиклар профилактикаси ўтказилган ҳолатларда эндометрит частотаси 9,3%

бўлган бўлса, профилактикасида у 33,8% гача етди ($p < 0,01$). Шунингдек, шошилич кесарча кесиш билан туғруқ қилган аёлларда септик асоратлар частотаси 3,5 марта юкори кузатилди ($p < 0,05$).

Муҳокама. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, антенатал профилактика — яъни мунтазам кўриклар, юқумли касалликлар скрининги, хомиладорликда антибиотик профилактикаси тўғри ҳолатда қўлланилганида туғруқдан кейинги асоратлар хавфини анча пасайтириши мумкинлиги исботланди. Профилактика фақат антибиотиклар билан чекланмасдан, туғруқ стратегиясини индивидуал танлаш, кесарча кесиш кўрсатмаларини танқидий қайта кўриб чиқиш, ҳамда туғруқдан кейинги даврда фаол мониторинг олиб бориш билан ҳам амалга оширилиши лозим.

Хулосалар

1. Антенатал профилактика септик асоратларни олдини олишда самарали восита ҳисобланади. Шошилич кесарча кесиш асоратлар хавфини бир неча марта оширади, шу боис операциялар учун қатъий кўрсатмаларга амал қилиш зарур.

2. Антибиотик профилактикаси индивидуал баҳолаш асосида тўғри ва ўз вақтида қўлланилса, инфекция частотасини сезиларли даражада камайтиради.

3. Бу натижалар асосида профилактик дастурларни такомиллаштириш, биринчи туғувчи аёлларга индивидуал ёндашувни жорий этиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Апресян С. В., Димитрова В. И., Слюсарева О. А. Диагностика и лечение послеродовых гнойно-септических заболеваний //Доктор. Ру. – 2018. – №. 6 (150). – С. 17-24.

2. Баринов С. В. и др. Факторы риска развития и особенности течения послеродового эндометрита //Мать и дитя в Кузбассе. – 2017. – №. 2. – С. 22-28.

3. Батракова Т. В. и др. ОСОБЕННОСТИ ЭТИОЛОГИИ ПОСЛЕРОДОВОГО ЭНДОМЕТРИТА У РОДИЛЬНИЦ С ВЫСОКИМ РИСКОМ ГНОЙНО-СЕПТИЧЕСКИХ ОСЛОЖНЕНИЙ //Japanese Journal of Personality/Pasonariti Kenkyu. – 2020. – Т. 29. – №. 3

4. ГАБИТОВА Н. А. и др. МАТЕРИНСКИЙ СЕПСИС: НОВОЕ МЕЖДУНАРОДНОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ-НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ ИСХОДОВ. – 2022.

5. Давыдов А. И., Подтетенев А. Д. Современный взгляд на акушерский перитонит с позиций хирургической тактики //Архив акушерства и гинекологии им. ВФ Снегирева. – 2014. – Т. 1. – №. 1. – С. 44-47.

6. Иванников Н. Ю. и др. Современные подходы в лечении послеродовых гнойно-септических заболеваний //Медицинский совет. – 2019. – №. 7. – С. 58-69.

7. Ризаев Ж.А., Давлатова А.А., Агабабян Л.Р. Предикторы развития материнского сепсиса. //PROBLEMS OF BIOLOGY AND MEDICINE (Биология ва тиббиет муаммолари). - Самарканд,2023.- №6 (150). С.224-230.